


Халқ банки – Сизнинг оилангиз банки!

- талабни ўрганиш;
- бозор таркибини аниқлаш;
- товарни ўрганиш;
- рақобат шароитларини тадқиқ қилиш;
- сотиш шакли ва услубларини таҳлил этиш.

Ҳар бир фирма ўз реклама фаолиятини реклама агентларини ёллаш ёки реклама хизматини тузиш ёки махсус реклама агентликлари хизматларидан фойдаланиш асосида амалга оширади. Рекламанинг самарадорлиги кўп жиҳатдан талабни ўрганишни ташкил қилишга боғлиқ бўлиб, ҳаридорлар доирасини аниқлаш ва уларга таъсир ўтказиш усулларига ёрдам беради. Ҳозирги даврда реклама матбуот, радио, телевидения ва албаттаки интернет орқали олиб борилади, махсус реклама филмлари намоиш этилади.

Реклама қилиш, сотиш шакли ва услуби ҳар бир корхона фаолияти, кўрсатилувчи хизматига асосан турличадир. Шу ўринда мазкур бизнесда хизматлар ҳақида истеъмолчиларга маълумот беришнинг энг оптимал йўлларида бири бу “флаер” яъни хизмат ҳақидаги қисқа ва аниқ маълумотлар келтирилган, ўзгача дизайн асосида тайёрланган тарқатма қоғозлар, мижозларга барча маълумотларни тезкор, ишончли ва доимий равишда ўтказиши кўпгина муваффақиятли корхонапар томонидан ҳам синалгандир.



 (71) 200 00 55

 WWW.XB.UZ

XALQBANKINFO



КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

лойиҳаси бўйича

БИЗНЕС - РЕЖА

КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИБ БИР ЙИЛДА 48,4 МЛН.СЎМГАЧА СОФ ФОЙДА ОЛИШ ТУҒРИСИДА ТАВСИЯВИЙ БИЗНЕС-РЕЖА

Лойиҳанинг тахминий суммаси	80 000 000 млн.сўм
Керак бўладиган анжом, асбоб ускуналар ва жихозлар	Компьютерлар ва керакли анжомлар
Кредит муддати	36 ой
Имтиёзли даври	6 ой
Яратиладиган иш ўрни сони	4 та

ЛОЙИҲАНИНГ ҚИЙМАТИ

№	Керакли анжомлар ва хом-ашёлар	Банк кредити (сўмда)
1	Компьютерлар ва керакли анжомлар	80 000 000
	Жами:	80 000 000

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Ишлаб чиқариш режаси ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматлар номенклатураси, кредит ҳисобидан сотиб олинадиган маҳсулотларларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва техник имкониятидан келиб чиққан ҳолда тузилди.

Маҳсулот ҳажми, лойиҳа бўйича тўлиқ қувватда ишлаганда, йил давомида умумий 43 920 кишига хизмат кўрсатишни ташкил этади. Ишлаб чиқариш режасини тузишда, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш жараёни ҳам эътиборга олинган.

100% қувват билан ишлаганда 1 йилда тушадиган тушум.

№	Маҳсулотлар/Хизматлар	Ўлчов б-ги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Компьютер уйинлари	киши	7 200	15 000	108 000 000
2	Компьютердан фойдаланиш	киши	7 200	15 000	108 000 000
3	Реферат тайёрлаб бериш	киши	2 520	10 000	25 200 000
4	Матн териш	киши	1 800	15 000	27 000 000
5	Ксерокопия	киши	10 800	500	5 400 000
6	Бошқа компьютер хизматлари	киши	14 400	5 000	72 000 000
	Жами		43 920	60 500	345 600 000

100 % қувват билан ишлаганда 1 йил давомида тушиши кутуладиган тушум миқдори 345 600 000 сўмни ташкил этади.

Номи	Биринчи йил	Иккинчи йил	Учинчи йил
Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)	50%	70%	90%
Ишлар/хизматлар	172 800 000	241 920 000	311 040 000
Жами	172 800 000	241 920 000	311 040 000

МОЛИЯВИЙ РЕЖА СХЕМАСИ

Номи	Биринчи йил	Иккинчи йил	Учинчи йил
Сотишдан тушган ялли даромад	172 800 000	241 920 000	311 040 000
Сотиладиган маҳсулот тан нархи	125 760 000	142 896 000	162 602 400
Ялли даромад	47 040 000	99 024 000	148 437 600
Давр харажатлари	691 200	967 680	1 244 160
Кредитнинг фоизи	12 266 666,7	7 893 333,3	2 773 333,3
Ягона солиқ 4%	6 912 000	9 676 800	12 441 600
Қайтариладиган кредит суммаси	16 000 000	32 000 000	32 000 000
Соф фойда	11 170 133,3	48 486 186,7	99 978 506,7
Ялли даромад/Сотишдан тушган даромад	27,22%	40,93%	47,72%
Соф фойда/Сотувдан тушган даромад	6,46%	20,04%	32,14%

Ҳар қандай бизнесни ривожлантириш ва кутилган даромадлиққа эришиш борасида маркетинг алоҳида ўрин эгаллайди. Маркетингнинг мақсади - янги мижозларни маҳсулот, товар ёки хизмат учун жалб қилиш, уларга юқори истеъмол сифатини таклиф қилиб, эски мижозларни сақлаб қолган ҳолда, уларнинг тинимсиз ўзгариб турувчи эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Маркетинг асосида бозорни ҳар тарафлама ўрганиш йўналишларининг асосийларидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш зарур: